

11-01/120-son

12 noyabr 2025 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши
БАЁНИ**

2025 йил 11 ноябрь

Кармана тумани

Раислик қилувчи: **Н.Турсунов** - вилоят ҳокими

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz*да назоратдаги ҳужжатлар, олдинги аппарат йиғилишларида берилган топшириқлар, Давлат Раҳбарининг виртуал ва халқ қабулхоналарига тушган мурожаатлар ижроси);

2. Камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлиги, профессионал ва олий таълим муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, мигрантлар билан ишлаш ҳамда аҳолининг суғориш тизимини яхшилаш учун қудуқлар қозиш бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида;

3. Экспорт, хорижий инвестициялар, ҳудудий инвестиция дастуридаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда кичик ва ёшлар саноат зоналарини ривожлантириш бўйича берилган топшириқлар ижроси тўғрисида;

4. Қишга тайёргарлик, ичимлик суви, “Иссиқлик манбаи” ДУК ва бошқарув сервис компаниялари (БСК) томонидан кўрсатилган коммунал хизматлардан ҳосил бўлган қарздорликларни ундириш ҳамда муаммоли кредитларни сўндириш бўйича берилган топшириқларнинг ижроси тўғрисида;

5. Бошқа масалалар (Президент Администрациясининг 2025 йил 5 ноябрдаги 08-1897-сонли топшириқ хати, МПР).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, Э.Ғаффоров, С.Ҳикматов, Ж.Ходжаев, М.Мамадиярова, С.Мирзаев, С.Назаров, Л.Хайруллаев, Қ.Ражабов, А.Ниёзов, О.Зарипов, Ғ.Алиев, Д.Эргашев, Н.Рахманов, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Ғайзиев, О.Умаров, У.Елмуратов, У.Адилов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди.

Вилоят ҳокими ўринбосарларига, таркибий бўлинма раҳбарларига, котибият мудирларига “edo.ijro.uz” электрон тизимида назоратга олинган ва жорий йилнинг ноябрь ойида ижроси таъминланиши белгиланган 59 та топшириқлар ижросини барвақт ва сифатли тарзда таъминлаб, ушбу топшириқларни жорий йилнинг 15 ноябрга қадар 70 фоизини, 25 ноябрга қадар тўлиқ якунига етказиш ҳамда декабрь ойида назоратда турган топшириқларнинг камида 40 фоизини ноябрь ойининг ўзида якунига етказиш бўйича барча зарур чораларни кўриш белгилаб қўйилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ҳикматов)га вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси, Кармана тумани ҳокимлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 августдаги ПҚ-260-сонли қарори 2-иловасига асосан, Кармана туманида 2 гектар ер майдонида қиймати 10 млрд.сўм бўлган узум кўчатларини тайёрлаш бўйича “in-vitro” лабораторияларни ташкил этиш топшириғи ижросини таъминлаш, ижро назоратидан чиқарилиши таъминланмаса қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чорасини қўллаш бўйича огоҳлантирилди.

Вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (Ҳамидов)га:

“Қизилқумцемент” АЖ (Мельников) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сонли қарори 8а-иловасига асосан, “Қизилқумцемент” АЖ корхонасини тўлиқ кўмир ёқилғисига ўтказиш бўйича берилган топшириғини охирига етказиб, назоратдан ечиш;

“Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (Ботиров)га Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик соҳасида назорат инспекциясининг вилоят бошқармаси (Турдиев) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ-454-сонли қарори 5-бандига асосан, Навоий шаҳридаги вилоят кордиология диспансери биносининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосаларини олиш, тендер савдоларини ўтказиш бўйича белгиланган топшириғини охирига етказиб, назоратдан чиқариш топшириғи берилди.

Йиғилишда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали йўлланган мурожаатлар ҳам муҳокама қилиниб, келиб тушган мурожаатларни ижобий ҳал этиш даражаси Хатирчи туманида 59 фоизни, Навоий шаҳрида 61 фоизни, Конимех туманида 63 фоизни, Нурота туманида 55 фоизни ташкил этганлиги танқид қилинди.

Туман (шаҳар) ҳокимликларига ўз ҳудудларида фуқаролар қабуллари ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали йўлланган мурожаатлар ижросини қаноатлантириб, асословчи ҳужжатларини тизимга бириктириб, назоратдан чиқарилишини таъминлаш вазифаси топширилди.

Ҳар бир йўлланган мурожаатни қаноатлантириб, ижроси назоратдан чиқарилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилиши бўйича огоҳлантирилди.

Вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (Абдиазизов)га ҳар ҳафта якуни билан мурожаатлар ижроси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритиб бориш вазифаси белгилаб қўйилди.

Йиғилиш кун тартибида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар тегишли масъулларга кўрсатиб ўтилиб, тегишли чоралар кўрилиши белгиланди.

Жумладан, туман (шаҳар) ҳокимларига бириктирилган масъул раҳбарлар билан биргаликда бир ҳафта муддатда даромади пасайган 306 та камбағал оилаларнинг даромадини қайта кўриб чиқиб, реестрга тушган вақтдаги даромади билан солиштирган ҳолда даромадини ошириш чораларини кўриш топшириғи берилди.

“Ўзагролизинг” АЖ Навоий филиали (Хотамов)га ва вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси (Қобулов)га камбағаллик реестрига киритилган Нурота тумани “Нурфаҳр” маҳалласида яшовчи оилаларнинг ҳамда Хатирчи тумани “Дамариқ” маҳалласида яшовчи оилаларнинг муаммоларини ҳал қилиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритиш вазифаси юклатилди.

Томди (Умаров), Учқудуқ (Елмуратов), Конимех (Рўзиев), Нурота (Файзиев) туманлари ҳокимликларига бириктирилган масъул раҳбарлар билан биргаликда даромади пасайган камбағал оилаларнинг даромадини ошириш чораларини кўриш топширилди.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (Ражабов)га Навбаҳор туманидаги 18 та, Қизилтепа туманидаги 9 та, Кармана туманидаги 7 та, Навоий шаҳридаги 5 та ва Хатирчи туманидаги 5 та оилаларнинг "Камбағаллик реестри"дан чиқиб доимий даромадга эга бўлмаганлиги сабабли яна қайта реестрга киритилганлиги ҳолатини ўрганиб чиқиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, вилоят ҳокими ўринбосари (Мамадиярова)га, Навбаҳор тумани (Рашидов), Хатирчи тумани (Адизов), Конимех тумани (Рўзиев) Навоий шаҳри (Эргашев) ҳокимликларига бириктирилган масъул раҳбарлар билан биргаликда 4-босқичда муаммоси ҳал этилмаганлиги аниқланган

оилалар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини тўлиқ ҳал этиш чораларини кўриш ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритиш вазифалари юклатилди.

“Томорқа суғориш маркази” ДМ (Муродов)га “Худудий электр тармоқлари АЖ Навоий филиали (Зарипов), Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (Саденов) ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда маҳаллалардаги сув қудуқларини ўрганиб чиқиб, уларда аниқланган камчиликларни тўлиқ бартараф этиб, амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимиغا ҳисобот киритиш вазифалари топширилди.

Бундан ташқари, йиғилиш кун тартибида хорижий инвестицияларни ўзлаштириш, ҳудудий инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш ва экспорт прогнозлари ижроси муҳокама қилиниб, ишларни янада жадаллаштириш, тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари билан учрашиб, уларнинг фаолиятида юзага келган муаммоларини ўз вақтида бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Хусусан, вилоятдаги жами 523 та хорижий корхоналардан бугунги кунда 140 таси ўз фаолиятини тўхтатганлиги қаттиқ танқид қилинди ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларига ушбу корхоналарнинг муаммоларини ўрганиб уларнинг фаолиятини тиклаш чораларини кўриш юзасидан топшириқлар берилди.

Жорий йил январь-сентябрь ойлари учун белгиланган вилоят экспорт прогноз режаси 80 фоизга бажарилган бўлса-да, Учқудуқ (681 минг доллар), Конимех (1,6 млн доллар), Хатирчи (41,7 млн доллар) туманларида қолоқликлар мавжудлиги, октябрь ойи учун белгиланган прогноз режа Хатирчи туманида (12 фоиз), Конимех туманида (27 фоиз), Навбаҳор туманида (21 фоиз), Зарафшон шаҳрида (34 фоиз) бажарилмаганлиги, Учқудуқ туманида эса умуман экспорт амалга оширилмаганлиги кўрсатиб ўтилди.

Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси (Шарапов)га туман (шаҳар) ҳокимликлари ва тижорат банклари билан биргаликда ҳудудий инвестиция лойиҳаларига кредит маблағларининг ажратилишини таъминлаш бўйича, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га ушбу масалани кунлик сўраб, республика билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда, вилоятдаги кичик ва ёшлар саноат зоналари фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш, лойиҳаларни амалга ошириш, муаммоларни бартараф этиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Саноат зоналарида жойлаштирилган 270 та лойиҳанинг 88 таси ишга туширилганлиги, 159 тасида (Зарафшонда 64 та, Қизилтепада 30 та, Навбаҳорда 15 та, Навоий шаҳрида 14 та, Хатирчида 12 та, Учқудуқда 11 та, Нуротада 7 та, Конимехда 3 та, Томдида 2 та, Ғозгон ва Карманада 1 тадан) қурилиш ишлари бошланиб, якунига етказилмаганлиги, 23 тасида (Томдида 8 та, Хатирчида 3 та, Навбаҳор, Конимех, Қизилтепа туманларида 2 тадан) қурилиш ишлари ҳалигача бошланмаганлиги танқид қилинди.

Шунингдек, йиғилишда муаммоли кредитларни сўндириш бўйича амалга оширилаётган ишларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Хусусан, ўтган ойга нисбатан Хатирчи туманида 5,8 млрд.сўмга, Зарафшон шаҳрида 5,5 млрд.сўмга, Учқудуқ туманида 803,0 млн.сўмга, банклар кесимида эса Ипотека банкда 11,0 млрд.сўмга, Ҳамкор банкда 1,6 млрд.сўмга ҳамда Бизнесни ривожлантириш банкда 1,5 млрд.сўмга муаммоли кредитлар ҳажми ортганлиги кўрсатиб ўтилди.

Муаммоли кредитларни ундирилиши бўйича вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Сулаймонов туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда доимий муҳокама қилиб бориш вазифалари белгилаб берилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ходжаев)га Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев), Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (Алиев) муаммоли кредитларни сўндириш бўйича маҳалла еттилиги билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда асосий масалалардан бири ичимлик суви бўйича дебитор қарздорликларни ундириш ишлари қониқарсиз олиб борилаётганлиги сабабли тегишли мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Шунингдек, “Навоий сув таъминоти” АЖнинг Навоий шаҳар, Зарафшон шаҳар ҳамда Кармана тумани бўлим бошлиқларига нисбатан чоралар кўриш бўйича топшириқлар берилди.

Бундан ташқари, йирик қарздорлиги мавжуд бўлган “Навоийазот” АЖга дебитор қарздорликни камайтириш бўйича чоралар кўриши юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда “Иссиқлик таъминоти” МЧЖ томонидан кўрсатилган хизматлар учун юзага келган қарздорликларни қисқартириш бўйича мутасаддиларга вазифалар белгиланди.

Шунингдек, йиғилишда Президент Администрациясининг 2025 йил 5 ноябрдаги 08-1897-сонли топшириқ хатида кўтарилган масалалар муҳокама қилиниб, ижросини таъминлаш бўйича тегишли масъулларга ва туман

(шаҳар) ҳокимликларига ишларни ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари:

“edo.ijro.uz” электрон тизимида назоратга олинган ва жорий йилнинг **ноябрь ойида** ижроси таъминланиши белгиланган 59 та (*шундан Ижтимоий комплексида 17 та, Иқтисодиёт комплексида 15 та, Қурилиш комплексида 10 та, Қишлоқ хўжалиги комплексида 6 та, Инвестиция комплексида 3 та, Туризм комплексларида 4 та, таркибий бўлинмаларда 4 та*) топшириқлар ижросини **барвақт ва сифатли тарзда таъминлаб**, ушбу топшириқларни жорий йилнинг **15 ноябрга қадар 70 фоизини, 25 ноябрга қадар** тўлиқ якунига етказиш ҳамда **декабрь ойида** назоратда турган топшириқларнинг камида **40 фоизини** ноябрь ойининг ўзида бажариш бўйича барча зарур чораларни кўрсин;

белгиланган муддатда топшириқлар ижросини таъминламаган мутасаддиларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий чоралар қўлланилиши тўғрисида **расман огоҳлантирилсин**;

муддати жорий йил якунига қадар белгиланган топшириқлар бўйича **муддати келишини кутмасдан, ҳозирданоқ ижросини таъминлаб**, назоратдан чиқариш бўйича қўшимча чора-тадбирларни кўриб борсин.

2. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ҳикматов) вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Махмудов**), Кармана тумани ҳокимлиги (**Болтаев**) билан биргаликда **жорий йилнинг 25 декабрга қадар** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 августдаги ПҚ-260-сонли қарори 2-иловасига асосан, Кармана туманида 2 гектар ер майдонида қиймати 10 млрд.сўм бўлган узум кўчатларини тайёрлаш бўйича “in-vitro” лабораторияларни ташкил этиш топшириғи ижросини таъминлаб, ижро назоратидан чиқарсин.

Ушбу топшириқ ижроси таъминланмаса қонунчиликда белгиланган тартибда вилоят ҳокими ўринбосари **С.Ҳикматовга** нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш бўйича огоҳлантирилсин.

3. Вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (**Ҳамидов**):

“Қизилқумцемент” АЖ (**Мельников**) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сонли қарори 8а-илоvasига асосан, “Қизилқумцемент” АЖ корхонасини тўлиқ кўмир ёқилғисига ўтказиш бўйича берилган топшириғини охирига етказиб, назоратдан ечиш;

“Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (**Ботиров**), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалик соҳасида назорат инспекциясининг вилоят бошқармаси (**Турдиев**) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 24 декабрдаги ПҚ-454-сонли қарори 5-бандига асосан, Навоий шаҳридаги вилоят кордиология диспансери биносининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосаларини олиш, тендер савдоларини ўтказиш бўйича белгиланган топшириқ ижросини охирига етказиш;

вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 июлдаги ПҚ-316-сонли қарори билан тасдиқланган 2022-2026 йилларда “**Хавфсиз ва равон йўл**” умуммиллий Дастурига асосан вилоятдаги туман (шаҳар)ларнинг кириш чиқиш жойларида, чорраҳаларда қоидабузарликларни қайд этувчи фото ва видео камералар ўрнатиш ишларини якунига етказиб, уларни вилоят ва республика мониторинг марказларига интеграция қилиш топшириқлари ижросини таъминлаб, назоратдан ечиш чораларини кўрсин.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффаров**) АТ “Турон банк” вилоят филиали (**Нусратов**), Кармана (**Болтаев**) ва Нурота (**Файзиев**) туманлари ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 февралдаги ПҚ-57-сонли қарори 3-илоvasи 6-бандига Кармана туманида 1 та (15 MВт) ва Нурота туманида 2 та (30 MВтдан) маҳаллий тадбиркорлар томонидан кичик фото электр станцияларни ташкил этиш бўйича белгиланган топшириқ ижросини якунига етказиб, ижро назоратидан чиқарилиши таъминлансин.

Ушбу топшириқ ижроси муддатида таъминланмаса қонунчиликда белгиланган тартибда вилоят ҳокими ўринбосари **Э.Ғаффаров**га нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилиши бўйича огоҳлантирилсин.

5. Зарафшон (**Раҳманов**), Ғозғон (**Жўраев**) шаҳарлари, Кармана (**Болтаев**), Конимех (**Рўзиев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**), Томди (**Умаров**) ва Учқудуқ (**Елмуратов**) туманлари ҳокимлари **уч кун муддатда** ўз фуқароларига аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича мурожаатнома йўллаб, натижаси бўйича ахборот берсин.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**), вилоят Телерадиокомпанияси (**Муқимов**) туман (шаҳар) ҳокимларининг мурожаатларини ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилишини таъминласин.

Назорати **Э.Авезовга**.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатларни ижобий ҳал этиш даражаси Хатирчи туманида 59 фоизни, Навоий шаҳрида 61 фоизни, Конимех туманида 63 фоизни, Нурота туманида 55 фоизни ташкил этганлиги кўрсатиб ўтилсин.

Юқорида номлари келтирилган ҳудудлар ҳокимлари ўз ҳудудларида фуқаролар қабуллари ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали йўлланган мурожаатлар ижросини қаноатлантириб, асословчи ҳужжатларини тизимга бириктириб, назоратдан чиқарилишини таъминласин.

Ҳар бир йўлланган мурожаат қаноатлантириб ижроси назоратдан чиқарилмаса қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чоралари қўлланилиши бўйича огоҳлантирилсин.

Вилоят ҳокимлиги Мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Абдуазизов**) **ҳар ҳафта якуни билан** мурожаатлар ижроси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритиб борсин.

7. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов) бир кун муддатда:

тегишли котибиятлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги ПҚ-330 сонли ва 2025 йил 17 январдаги ПҚ-12 сонли қарорлари ижросини таъминлаш, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини самарали ташкил қилиш, камбағал оилаларда аниқланган муаммоларни ҳал қилиш бўйича шуғулланилмаганлиги ва белгиланган вазифалар ижроси таъминланмаганлиги ҳамда ишда йўл қўйилган камчиликлари учун Кармана тумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи **А.Ахмедов**, Кармана тумани Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи **Ж.Атамуродов**, Кармана тумани Автомобиль йўлларида фойдаланиш бўлими бошлиғи **О.Рамозонов**, вилоят Сув назорати инспекцияси бошлиғи **М.Воҳидов**ларни қонунчиликда ўрнатилган тартибда эгаллаб турган лавозимидан озод этиш масаласини ташкил қилсин;

“Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури ижросини самарали ташкил қилмаганлиги ва белгиланган вазифалар ижроси таъминланмаганлиги ҳамда ишда йўл қўйилган камчиликлари учун Навоий шаҳар ҳокими **Д.Эргашевга** нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чораси қўллаш бўйича фармойиш лойиҳасини тайёрлаб вилоят ҳокимига киритсин.

8. “Ўзагролизинг” АЖ Навоий филиали (**Хотамов**), вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси (**Қобулов**) **бир ҳафта муддатда** камбағаллик реестрига киритилган Нурота тумани “Нурфаҳр” маҳалласида яшовчи оилаларнинг ҳамда Хатирчи тумани “Дамариқ” маҳалласида яшовчи оилаларнинг муаммоларини ҳал қилиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

9. Миллий гвардия вилоят бошқармаси (**Тоиров**), вилоят Адлия бошқармаси (**Абдуллаев**) **беш кун муддатда** Миллий гвардия Навоий шаҳар бўлими бошлиғи Ш.Имомовга ва Навоий шаҳар Адлия бўлими бошлиғи У.Сувоновга бириктирилган Навоий шаҳар “Ёшлик” маҳалласида яшовчи камбағаллик реестрига киритилган оилаларнинг ҳолидан хабар олиб, муаммоларини ўрганиб ҳал қилиш чораларини кўрсин ҳамда амалга оширилган ишлар натижадорлиги бўйича вилоят ҳокимига ахборот бериши белгилаб қўйилсин.

10. Томди (**Умаров**), Учқудуқ (**Елмуратов**), Конимех (**Рўзиев**) ва Нурота (**Файзиев**) туманлари ҳокимлари бириктирилган масъул раҳбарлар билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** даромади пасайган (*Томди 3 та, Учқудуқ 7 та, Конимех 17 та, Нурота 48 та*) камбағал оилаларнинг даромадини қайта кўриб чиқиб, реестрга тушган вақтдаги даромади билан солиштирган ҳолда даромадини ошириш чораларини кўрсин.

Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир ҳафта муддатда** ушбу топшириқ ижроси таъминланмаса қонунчиликда белгиланган тартибда масъулларга нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш бўйича таклифлар тайёрлаб киритсин.

11. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) **бир кун муддатда** Навоий шаҳри (5 та) ва Навбаҳор (18 та), Қизилтепа (9 та), Кармана (7 та), Хатирчи (5 та) туманларидаги камбағаллик реестридан чиқарилган оилаларнинг қайта камбағаллик реестрига киритилиш сабабларини ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича ахборот киритсин.

Навоий шаҳар (**Эргашев**), Кармана (**Болтаев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**), Навбаҳор (**Рашидов**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимлари бириктирилган масъуллар билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** доимий даромадга эга бўлмаганлиги сабабли қайта реестрга киритилган оилаларнинг муаммоларини ўрганиб чиқиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

12. Навоий шаҳри (**Эргашев**) 126 та, Хатирчи тумани (**Адизов**) 269 та, Қизилтепа тумани (**Бобомуродов**) 183 та, Нурота тумани (**Файзиев**) 142 та, Конимех тумани (**Рўзиев**) 35 та “Камбағаллик реестри”га янгидан киритилган оилаларни ўрганиб уларни муаммоларини ҳал этиб камбағалликдан чиқариш чораларини кўрсин.

13. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Конимех (**Рўзиев**), Навбаҳор (**Рашидов**), Нурота (**Файзиев**), Хатирчи (**Адизов**), туманлари ҳокимликлари бириктирилган масъул раҳбарлар билан биргаликда 4-та босқичда камбағаллик реестридан чиқмаган оилалар муаммоларини ҳал этиб камбағалликдан чиқарилишини таъминласин.

14. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Сулаймонов**, **Мирзаев**) Хатирчи (**Адизов**), Нурота (**Файзиев**), Қизилтепа (**Бобомуродов**) туманлари ҳокимлари билан биргаликда камбағал оилаларга 3-босқичда бириктирилган раҳбарларнинг (қизил тоифадаги) камбағал оилалар ҳолидан хабар олиб, бармоқ изи босиш орқали идентификациядан ўтишларини ташкил этсин.

15. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Мамадиярова**), Навоий шаҳар (**Эргашев**), Конимех (**Рўзиев**), Навбаҳор (**Рашидов**), Хатирчи (**Адизов**) туманлари ҳокимликлари бириктирилган масъул раҳбарлар билан биргаликда 4-босқичда муаммоси ҳал этилмаганлиги аниқланган оилалар ҳолидан хабар олиб, уларнинг муаммоларини тўлиқ ҳал этиш чораларини кўрсин ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича **уч кун муддатда** асословчи ҳужжатлари (фото, буйруқ ва.ҳ) билан вилоят Штабига ва вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

Назорати **Л.Хайруллаевга**.

16. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**) маҳалла еттилиги томонидан сўровнома ўтказиш ишларини якунига етказиш чораларини кўрсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари, бириктирилган масъул раҳбарлар билан биргаликда 5-босқичда бириктирилган камбағал оилаларнинг муаммоларини ўрганиб, аниқланган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўрсин ҳамда амалга оширилган ишлар бўйича **ҳар ҳафта жума куни** вилоят Штабига маълумот тақдим этиб борсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) 5-босқичда камбағал оилаларга бириктирилган масъуллар томонидан амалга оширилган ишлар бўйича **ҳар ҳафта** вилоят ҳокимлигига маълумот киритиб борсин.

17. Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), **Кармана**, **Конимех**, **Қизилтепа**, **Навбаҳор**, **Нурота** ва **Хатирчи** туманлари ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сонли қарори асосида аҳолига ижара асосида ажратилган ерларни деҳқон хўжалиги сифатига рўйхатдан ўтказиш ишларини охирига етказиб, кўрилган чоралар натижадорлиги бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

Назорат ва кунлик сўров **Р.Сулаймоновга**.

18. “Томорқа суғориш маркази” ДМ (**Муродов**), “Худудий электр тармоқлари АЖ Навоий филиали (**Зарипов**), Қуйи Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (**Саденов**) ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда маҳаллалардаги сув қудуқларини ўрганиб чиқиб, уларда аниқланган камчиликларни тўлиқ бартараф этиб, доимий ишлатиш чораларини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар юзасидан **уч кун муддатда** вилоят ҳокимига ҳисобот киритсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

19. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

олий таълим муассасалари раҳбарлари тегишли масъуллар билан биргаликда профессионал ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин;

туман (шаҳар) ҳокимлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ишларини етарли даражада ташкил этмаса қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар кўрилиши бўйича огоҳлантирилсин.

жорий йилнинг 17 ноябрь куни битирувчилар бандлигини таъминлаш борасида масъуллар томонидан олиб борилаётган ишлар натижадорлиги юзасидан муҳокама қилиниши белгилаб қўйилсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) мазкур масала бўйича олиб борилаётган ишларнинг натижадорлиги бўйича **ҳар ҳафтада** маълумот киритиб борсин.

20. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Шаропов):

тижорат банклари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **беш кун муддатда** тижорат банклари томонидан 15,6 млрд.сўмлик кредит маблағлари ажратилган, бироқ солиқ ҳисоботларида ноль (ҳажм) топширган 47 та лойиҳаларни ўрганиб чиқсин;

беш кун муддатда АТБ “Ипотека банк” вилоят филиали, ТИФ “Миллий банк” вилоят филиали, АТБ “Микрокредитбанк” вилоят филиали ва АТБ “Агро банк” вилоят филиали томонидан 2025 йилда ишга тушган 6 та лойиҳаларга тармоқ жадвалига асосан 7,6 млрд.сўмлик кредит маблағлари ажратилмаганлигини ўрганиб чиқиб вилоят ҳокимига ҳисобот киритсин.

бир ҳафта муддатда ҳудудий инвестиция дастуридаги кредит ажратилмаган лойиҳаларга кредит маблағлари ажратилишини таъминласин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) ҳудудий инвестиция дастуридаги лойиҳаларга кредит маблағларининг ажратилишини ўз назоратига олиб, республика бош банклари билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш чораларини кўрсин.

21. Шаҳар ва туман ҳокимларига:

ҳудудларда амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини тасдиқланган тармоқ жадвалларига асосан ўз муддатида ишга туширилишини таъминлаш;

жорий йил учун белгиланган режани тўлиқ бажариш бўйича кунлик экспортга юклаш графигини ишлаб чиқиш;

ҳудудларда фаолият юритаётган саноат корхоналари билан жойига чиққан ҳолда бирма-бир учрашиб, экспортга чиқариш имкониятларини излаб янги корхоналарни экспортга жалб қилиш;

истикболсиз лойиҳалар ўрнига лойиҳа параметрлари мос лойиҳа таклифларини Инвестициялар, саноат ва савдо бошқармасига тақдим этиш чораларини кўриш;

жорий йил якуни билан хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича белгиланган режаларни тўлиқ бажарилиши юзасидан аниқ таклифлар ҳамда инвестиция лойиҳаларининг манзилли рўйхатларини шакллантириб вилоят ҳокимлиги (Ғаффоров)га киритсин.

22. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров), Учқудуқ тумани (Елмуратов) инвестиция дастури ижросини самарали ташкил қилмаганлиги ва белгиланган вазифалар ижроси таъминланмаганлиги ҳамда ишда йўл қўйилган камчиликлари учун Учқудуқ тумани ҳокими ўринбосари - инвестициялар, саноат ва савдо бўлими бошлиғи **Э.Расуловга** нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чораси қўлланилсин.

23. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов) бир кун муддатда ишчи гуруҳ тузиб Томди туманидаги ҳудудий инвестиция дастури доирасида фойдаланишга тоширилган 3 та лойиҳаларнинг ҳолатини ўрганиб чиқиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритсин.

Фойдаланишга тоширилганлиги лойиҳалар бўйича ёлғон маълумотлар берилган бўлса, Томди тумани ҳокими **О.Умаровга** нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий жазо чораси қўллаш бўйича таклиф киритсин.

24. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров):

вилоятнинг жорий йилги ҳудудий инвестиция дастури ҳамда хорижий инвестицияларни ўзлаштириш бўйича белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича масъуллар билан мунтазам муҳокамалар қилиб борсин;

жорий йил якуни билан экспорт режасини тўлиқ бажармаган туман (шаҳар) ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарларига интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича таклифларини вилоят ҳокимига киритсин.

25. Туман (шаҳар) ҳокимлари беш кун муддатда:

ўтган йилнинг мос даврига нисбатан экспорт ҳажмини камайтирган 36 та, экспорт фаолиятини тўхтатган 38 та корхоналар ҳамда 140 та фаолиятини тўхтатган қўшма (хорижий) корхоналар билан шахсан учрашиб, уларнинг фаолиятини тиклаш, уларнинг экспорт ҳажмларини ошириш ва йўналтириш;

кичик ва ёшлар саноат зоналаридаги 159 та қурилиш ишлари якунланмаган, 23 та қурилиш ишлари бошланмаган лойиҳалар муаммоларини бирма-бир ўрганиб, қурилиш ишларини ташкил этиш ишларини амалга ошириб, натижаси бўйича ахборотни (фотоальбом билан бирга) вилоят ҳокимлиги (**Ғаффаров**)га тақдим этсин.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффаров**) туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан тақдим этилган маълумотларни шахсан қабул қилиб, вилоят ҳокимига ахборот берсин.

26. “Кичик ва ёшлар саноат зоналари бўйича ягона дирекцияси” ДМ (Матлабов) ҳар ҳафта якуни билан ҳудудлардаги кичик ва ёшлар саноат зоналарида амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги бўйича вилоят ҳокимига ахборот киритиб борсин.

27. Туман (шаҳар) ҳокимликлари тижорат банклари билан биргаликда мавжуд муаммоли кредитларни йил якунига қадар кескин қисқартириш бўйича ишларни ташкил қилиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлиги (Р.Сулаймонов)га маълумот киритиб борсин.

28. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ходжаев**), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**) муаммоли кредитларни сўндириш бўйича маҳалла еттилиги билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилиб, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида юзага келган имтиёзли кредит қарздорликларини ундириш чораларини кўрсин.

29. Вилоят ҳокимининг бирини ўринбосари (**Сулаймонов**) муаммоли кредитларни сўндириш бўйича кунлик сўров ўрнатиб, шахсан ўз назоратига олган ҳолда ҳар ҳафтада танқидий-таҳлилий муҳокама қилиб, дебитор қарздорликни сўндириш чораларни кўриб борсин.

30. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда** етказиб берилган ичимлик суви бўйича юзага келган дебитор қарздорликларни ундириш ишларини қониқарсиз ташкил қилиб, қарздорликнинг камайиш ўрнига ошишига йўл қўйганлиги учун “Навоий сув таъминоти” АЖ раҳбари **О.Зарипов**га нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича “Ўзсувтаъминот” АЖга тақдимнома киритсин.

31. “Навоий сув таъминоти” АЖ (Зарипов) бир кун муддатда ишларни самарали ташкил қилмаганлиги ва белгиланган вазифалар ижросини таъминланмаганлиги ҳамда ишда йўл қўйилган камчиликлари учун Навоий, Зарафшон шаҳарлари ҳамда Кармана тумани сув таъминоти бўлимлари бошлиқларига нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда интизомий жазо чораларини қўллаб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

32. “Навоийазот” АЖ (Самадов) ичимлик сувидан ҳосил бўлган дебитор қарздорликларни сўндириш чораларини кўриб, амалга оширилган ишлар бўйича **бир ҳафта муддатда** вилоят ҳокимлигига ахборот киритилиши белгилаб қўйилсин.

33. Навоий шаҳар ҳокими Д.Эргашев бир кун муддатда шахсан ўзи бошчилигида ишчи гуруҳи тузиб, шаҳардаги истеъмолчиларнинг “Иссиқлик таъминоти” МЧЖдан қарздорлигини кескин камайтириш бўйича кунлик шуғуллансин.

Амалга оширилаётган ишлар натижаси бўйича **ҳар ҳафтада** вилоят ҳокимига шахсан ҳисобот бериб борсин.

34. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Жумаев) етказиб берилган ичимлик суви бўйича бюджет ташкилотларида юзага келган 2,1 млрд.сўм дебитор қарздорликлар рўйхатини “Навоий сув таъминоти” АЖдан олиб, уларни ундирилишини таъминлаб, амалга оширилган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимлигига ахборот берсин.

35. Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (Алиев) етказиб берилган ичимлик сувдан юзага келган қарздорликларни қисқартириш бўйича маҳаллалар билан ҳамкорликда ишларни ташкил қилиб, қарздорликни ундирилишига кўмаклашиб борсин.

36. Навоий шаҳар (Эргашев), Кармана (Болтаев), Қизилтепа (Бобомуродов), Хатирчи (Адизов), Навбаҳор (Рашидов) туманлари ҳокимлари **беш кун муддатда** ўз ҳудудларда фаолият юритаётган автомобил ювиш шахобчалари (автомойка) ҳолатини ўрганиб, аниқланган камчиликлар ва юзага келган қарздорликларни бартараф этиб, натижаси бўйича (фото албом) маълумотларни вилоят ҳокимига киритсин.

37. Вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (Ҳамидов), вилоят Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Ниёзов**) хизмат крсатувчи ташкилотлар билан биргаликда куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича штабларнинг тўлиқ фаолият юритишини таъминлаб, ижтимоий соҳа объектлари ҳамда ҳудудларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида вилоят ҳокимига кунлик маълумот киритиб борсин.

38. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси (Сафоев), вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) **уч кун муддатда** тизим ташкилотларида куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича ишларни яна бир бор ўрганиб, ҳар бир объектнинг мавсумга тайёрлиги тўғрисида вилоят штабига маълумот киритсин.

39. Туман (шаҳар) ҳокимлари ҳудудларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича олиб борилаётган ишларни ўрганиб, ҳар бир соҳанинг мавсумга тўлиқ тайёрлигини таъминлаган ҳолда **беш кун муддатда** вилоят штабига маълумот киритсин.

40. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2025 йил 5 ноябрдаги 08-1897-сонли топшириқ хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (**Ҳамидов**), вилоят Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси (**Болтаев**):

туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **икки ҳафта муддатда** 2024-2025 йилларда “Менинг боғим” лойиҳалари амалга оширилган ер майдонларини хатловдан ўтказиш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини тартибга солиш чораларини кўрсин:

лойиҳалар самарадорлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш;

“Менинг боғим” лойиҳаларининг назорат механизмларини жорий этиш чораларини кўрсин.

41. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) ва Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



К.Кушаков